




ТОШКЕНТ



ШАҲАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСЙ
ГАЗЕТАСИ

О'QSHOMI

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 69 (9.413) 2000 йил 12 июнь, душанба

Сотувда эркин нархда



ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН НЕЪМАТ

Бугун уларни санаб адоғига етиб бўлмайди. Чиндан ҳам тўққиз йил ичида мактаса мактагудек ишларимиз, қўлга киритган ютуқларимиз бекиёс.

Ўтган йилларга назар ташлар эканмиз, уларнинг ҳар бир кунини, соати, лаҳзаси бекор ўтмаганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Бугун баралла айтишимиз мумкинки, тўққиз йил ичида мустақил давлат сифатида нимоларга эришиш керак бўлса, барчасини қўлга киритдик. Дунёда энг гўзал байроғимиз хилпираб турибди. Оҳангдор маҳиямиз тобора кучли янграмоқда. Миллий валютамизга эътибор, чегараларимиз мустахкам.

Мамлакатимизда муҳтарам Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида жаҳонга машҳур бўлган буюк алломаларимиз руҳи эъзозланмоқда. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Баҳауддин Навоибанд, Имом ал-Бухорий, Аҳмад Фарғоний сингари буюк аждодларимизнинг табарруқ номларини мамлакатимиз тарихига ўчмас қилиб битдик. Уларнинг илмий-амалий мерослари бутун жаҳон маънавияти хазинасидан ўзининг муносиб ўрнини топти. Энг муҳими миллий ифтихор деган сўз тилимизда алоҳида эътибор топтоқда. Эндиликда у мамлакатимиз ҳаётидаги, одамларнинг онгу тафаккурдаги янгиланишларга уйғун тушунча сифатида жарангламоқда.

Президентимиз «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...» номли асарида айтганларидек, ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги аҳвол, амалга оширилган ислохотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, маънавият ва санъат, фан ва таълим ривожига билан ўзвий боғлиқ. Мустақил ҳаёт қуришга киришган ҳеч қайси давлатда таълим тўғрисида махсус Қонун ва биздаги Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридек стратегик ҳужжат қабул қилинмаган. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси дунёда ҳаритасидан қўйин ҳам-жамиати томонидан тан олинган келажаги муста-

қил давлат, деяр фахр билан тилга олишимизнинг боиси ҳам ана шунда.

Бизни истиқлол айёмига яқинлаштираётган ҳар бир кун ёқимли воқеаларга, халқ оммасига ғамхўрлик намунаси бўлган янгиланишларга бой. Республикаимиз пойтахтида кун сайин янги корхоналар пайдо бўлмоқда, янги-янги иншоотлар, осмонўпар бинолар, маданий-маиший мажмуалар, кенг ва равшан йўللари, муҳташам кўприклар бунёд этилмоқда. Тошкентимиз кун сайин чироқ очмоқда.

Юртимизда меҳнат фахрийлари, пиру бадсавлат отахон ва онахонларимизни ижтимоий ҳимоялаш учун барча шароитлар яратилган. Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, ёшларимиз истиқлол медалларидан баҳраманд бўлиб Ватанимизни ҳар жиҳатдан тараққий эттириш, унинг жаҳон узра обрўсини юксалтиришга ҳаракат қилаётганликлари янода қувончлидир.

Чиндан ҳам истиқлол Ватан тақдирини, халқ тақдирини ўзгартириб юборди. Мўтабар кадрларимиз тикланди. Ўзгичиликни танидик. Ютуқлар чегара эмас. Бунинг яхши тушунган халқимиз истиқлол берган буюк неъматни мустахкамлаш йўлида унмунли меҳнат қилмоқда. Жамиятимиз ҳар қачонгидек тараққийпарвар, инсонпарвар бўлиб қолганини фақат биз эмас, балки юртимизга таъриф буюраётган давлат ва жамоат, маданият арбоблари ҳам, машҳур бизнесменлар, сайёҳлар ҳам таъкидлашмоқда.

Албатта, юқорида биз тилга олиб ўтган неъматлар ўз-ўзидан келаётгани йўқ. Бу мўъжиза яратишга қодир халқимизнинг битмас-туганмас шижоати ва Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида дадил одим отиб бораётганлигимиз шарофатидандир.

Гапни мухтасар қилиб айтмоқчимизки, озод халқ, эркин тафаккурга эга бўлган миллат буюк ўзгаришларга қодир эканлигини гулбоя-яшноётган Ўзбекистонимизнинг ҳар бир кунини кўрсатиб турибди.

Махмуд КОМИЛЖОНОВ.

САРАЛАШ БАҲСЛАРИ БОШЛАНДИ

Ўтган шанба кунини «Шератон Тошкент» меҳмонхонасида «Tashkent Open» мусобақаларининг кура ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Аҳмаджон Миржалилов, турнир ташкилотчиларидан бири, швейцариялик тадбиркор Сассон Кашури, мусобақа супервайзери Клар Вудлар шахримизда бешинчи марта ўтказилаётган аёллар ўртасидаги халқаро турнирнинг йил сайин нуфузи ортиб кейинги босқичга кўтарилиши, ҳозирда мукофот жамғармаси 140 минг АҚШ долларига етган «Tashkent Open»нинг бу йил айниқса кўпқаблатли теннис юлдузларини ўзига тортгани, ташкилий жиҳатдан аъло даражада ўтказилаётган мусобақалар олимпиада дўстлик ришталарининг мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутишини таъкидлаб ўтди.

Сўнг юртимизнинг теннис юлдузи, асосий мусобақалар қатнашчиси Ирода Тўлағанова иштирокида кура ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Унинг натижаларига кўра, «Уилд Кард» орқали асосий мусобақаларда қатнашчи ҳужудини қўлга киритган ҳамшахримиз Лилия Биктакова дастлабки ўйинда турнирнинг энг кучли рақибларидан бири — халқаро теннис таснифига 93-ўринни банд этиб турган Инг-Кван Йи (Хитой) билан беллашадиган бўлди. Яна бир ҳамюртимиз Комила Дадаҳужаеванинг рақиб ҳам чакки эмас — у рейтинг ра-

қами 111 бўлган венгриялик Петра Мандулага қарши қоттага тушди. Фақат Ирода Тўлағанова учун кура бироз омадли кечди. Ирода қўлини Италия вакили 24 ёшли тахрибали спортчи Адриана Серра Занетти билан ўзаро куч синашди.

Ўтган шанба ва якшанба кунлари шунингдек, «Tashkent Open-2000» турнирининг асосий мусобақаларида қатнашувчи спортчиларни аниқлаш борасида саралаш мусобақалари бўлиб ўтди. Унда тўрт ўринга давоғарлик қилаётган 32 спортчи баҳсларни бошлаб юборишди. Ҳозирча яқка тадтибдаги спортчилар ўртасида иккитадан уршувда ғалаба қозонган В. Сангарам (Тайланд), Т. Ли (Хитой), Е. Вараева (Россия), Е. Куликовская (Россия), Е. Сисоева (Россия), А. Зипорожанова (Украина), А. Родионова (Россия), Г. Фаттахитдинова (Россия), жўфликлар ўртасида эса Г. Фаттахитдинова — А. Родионова ва М. Бобоев — Л. Николандлар учун кейинги босқичга чиқиш борасида имкониятлар мавжуд.

саралаш турнирининг охириги уршувлари ўтказилиб, унинг барча ғолиблари аниқланди. Шунингдек, «Tashkent Open» турнирининг тантанали очилиш маросими ва асосий мусобақаларнинг дастлабки беллашуви бўлиб ўтди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.



СУРАТЛАРДА: учрашувдан лавҳалар.

Футбол

СЕРМАҲСУЛ НАТИЖАЛАР

КЕЧА мамлакат миллий чемпионатининг 17-тур уршувлари бўлиб ўтди. Унда Олий лигада пой-

тахт шарафини ҳимоя қилаётган «Пахтакор» ва «Трактор» жамоалари сафарда ўйнашларига тўғри келди. «Қизилқум»

меҳмони бўлган пахтакорчилар ўйинда 1:1 ҳисобида дуранг натижага эришган бўлсалар, «Трактор» Қаршида «Насаф»

жамоасига 0:2 ҳисобида имкониятни бой берди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Навбахор» — «Турон» 6:0, «Темирўлчи» — «Хоразм» 0:2, «Самарқанд-Динамо» — «Кимёгар» 3:1, «Зарафшон» —

«Дўстлик» 0:2, «Бухоро» — «Самур» 0:1, «Нефчи» — «Гулистон» 3:1, «Андижон» — «Сугдйена» 4:2, «Сурхон» — «Металлург» 1:1. 18-тур учрашувлари 14 июнь кунини бўлиб ўтди. Анвар ЙҮЛЧИЕВ.

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНАБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ ИЛГАРИ ХАБАР БЕРИЛГАНДЕК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФ БҲҲҲҲ, ТЕХРОНДА УТГАН ИКТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА (ЭКО) АБЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ ОЛТИНЧИ УЧРАШУВИДА ҚАТНАШДИ.

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Саид Аҳмадга табарруқ 80 ёши билан қўлаб, табрик телеграмма йўллади.

◆ Самарқанд вилоятида ғалла ўрими-йигимига жадал киришди. Қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи — пахтачиликда гўза парварлигини жадаллаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

◆ Республика Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг фаолиятига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда марказий нашрларнинг бош муҳаррирлари, тегишли қўмита ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

◆ Пойтахтимиздаги Роҳат қўли худудида жаҳон миқёсида мусобақалар ўтказиш имконини берадиган, халқаро андозаларга мос Тошкент гольф клуби фойдаланишга топширилди.

◆ «Устоз» жамғармаси Республика ўқув юртилари профессор-ўқитувчилари, докторантлари ва аспирантларини хорижий мамлакатларга юбориш юзасидан эълон қилинган танловнинг грант совридорлари аниқланди.

◆ Тошкент вилоятининг Қўйичирқ туманидаги Бериуний номли жамоа хўжалиги худудида фаолият кўрсатиб келган тўрт корпусдан иборат йирик шифохона бутунлай қайта таъмирланиб, аёллар ва болалар сикатихига айлантирилди.

◆ Ўзбекистон ҳужжатли кино усталари томонидан ишланган «Ташналик» фильм-эссесиде тўзум сиёсати тўғрисида юзага келган экологик ҳолат — Орол денгизининг қуриши раамзий тимсолларга ифодаланади. Мажкур янги ҳужжатли асар «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» туркумига мансуб «Экология» номли иккинчи фильм билан бирга шу йил 26 август — 2 сентябрь кунлари Иркутскда — Байкал соҳилларида ўтказиладиган «Инсон ва табиат» номли ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар халқаро фестивалида иштирок этади.

◆ Тошкент шаҳар халқ таълими бош бoшқармаси ва Тошкент шаҳар халқаро қўмиталари ишмини мувофиқлаштирувчи кенгаш Собир Раҳимов туманидаги 234-мактабда «Мактаб ва маҳалла фаолларининг ёшлари тарбиялашдаги ҳамкорлиги»га бағишланган тадбир ўтказди.

◆ Тошкент молия институтини «Ўзбекистоннинг ташкилот иқтисодий фаолияти», «Халқаро валюта-кредит муносабатлари», «Бухгалтерия ҳисоби» ҳамда «Молия-кредит» иқтисодий йўналишлари бўйича республика талабаларининг мухтаассислик танловининг иккинчи якуний тур бoшқичи бўлиб ўтди.

◆ Шахмат бўйича аънавий «Тошкент ёзи» мусобақалари нихоясига етай деб қолди. Бугун бўладиган охириги тур олдидан 88 нафар шахматчилар иштирок этаётган турнирда сурхондарёлик спорт усталигига номзод Бегали Саидов пешқадамлик қилмоқда.

ЖАҲОНДА

◆ Бугун Россия Мустақиллик кунини нишонламоқда.

◆ Ўртага Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Испанияга икки кунлик расмий таширифи бошланади.

◆ Индонезиянинг Суматра оролидаги қаттиқ ер силкиниши оқибатида берилган маълумотларга кўра 103 киши ҳалок бўлган.

◆ Чеченистон тоғли районларида федерал кучлари томонидан бир ҳафтадан ортиқ давр мобайнида олиб бoрилатган операцияда 200 жангари йўқ қилинган. Уч чечен қўмондонини ва тўрт снайперчи қиз ҳибсга олинган. Жангариларнинг қуроллари сақланган ўтиздан ортиқ ерўла ва оморлар портлатилган.

◆ Ўтган 90-йиллар мобайнида Россияда ёш болалар соғи 5,7 миллионга (деярли 16 фоизга) камайиб кетди.

◆ Ўртага Ўтган шанба кунини 69 ёшида юрак ҳужудидан вафот этган Сурия президенти Х. Асадин дафн этиш мотам маросими бўлиб ўтди.

◆ Ливанда бўладиган Осиё Кубоғи финал турниридан олдин миллий терма жамоамиз 4 ва 8 октябрь кунлари охириги тайёргарлик вазифасини ўтовчи икки ўртоқлик учрашувини ўтказди.

◆ Испаниянинг бу йилги энг яхши уйинчиси деб, «Реал» ҳамда терма жамоа ҳужумчиси Раул эътироф этилди.

◆ Жаҳон чемпиони Анатолий Карпов Эронга таширифи буюриб, бир йўла сеанс уйинларини уюштирди. Натижалар ёмон эмас. 32 ғалаба, 19 дуранг.

◆ Афинада ёқилган олимпиада ўйинларининг раамзий олови Австралия томон йўл олди. Ойловнинг 100 кунлик сафари 8 июнда бошланиб, Сиднейга бўлган эстафета масофаси тахминан 17 минг километрини ташкил этади. Олимпиада ўйинлари ўтказиладиган шаҳарга раамзий оловни етказишда 11 минг киши иштирок этади.

УЛАР ТУРНИРДА ИШТИРОК ЭТМОҚДАЛАР



Аёллар теннис ассоциацияси турнири пойтахтимизнинг «Динамо» теннис стадионида бўлиб ўтмоқда. Турнирнинг совринлар фонди ўтган йилга нисбатан 140 минг АҚШ долларига даражасига кўтарилди. Айни пайтда яқка разряд ғолиби 22 минг доллар ва 110 рейтинг очколарини олади.

Сассон Кашури бoшчилигидаги «ИТР комиссияси» ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги турнир ташкилотчиларидир. Мажкур халқаро мусобақаларга турли мамлакатларнинг теннис бўйича таниқли спортчилари келишган. Улар ҳақидаги айрим маълумотлар билан таништирамиз:

Анке Хубер — юксак рейтингга эга бўлган бу теннисчи Тошкентга илк бор келди. У 1974 йилда Германияда туғилган. Австриянинг Зальцбург шаҳрида яшайди. Сўнгги вақтларда яқка тартибдаги мусобақаларда WTA турнирининг ўрта унвонига сазовор бўлган. Ҳозирги вақтда унинг рейтингини 12 га тенг. Гамбургда шу йил бўлиб ўтган турнирда Кончита Мартинесни енгиб, ярим финалга чиққан. Эториладаги финалда Натали Деши устидан ғалаба қозониб, турнир ғолиби бўлди.

Сара Питковски — Тошкентга илк бор келиши. 1975 йилда Францияда туғилган. Парижда яшайди. Ўсмирлар мусобақаларида 1993 йили Европа чемпионати, 1992 йилда эса Франция миллий биринчилиги ғолиби бўлган. 1999 йилда Антверпенда турнир финалига чиққан. 1998 йилдан Франция Федерацияси Кубоғи жамоасининг аъзоси. 1999 йил 8 февралда энг яхши кўрсаткичга эришиб, рейтингини 32 ни ташкил этган. Ҳозир унинг рейтингини 45 га тенг.

Анна Сашонова — 1999 йилги «Тошкент Опен» турнири ғолиби.

1976 йили Минскда туғилган. Ҳозир Исроилда яшайди. 6 ёшдан теннис уйнай бошлаган. 1999 йили теннисчи Лоранс Куртуа устидан ғалаба қозониб, Тошкентда WTAнинг биринчи унвонини қўлга кирит-

ган. ХТФнинг олтинта аёллар турнирида ғолиб чиққан.

Рита Куги Кис (Венгрия) — 1978 йили Венгрияда туғилган. Олти ёшдан теннис билан шуғулланади. Чапақай (ўнг томондан икки қўли билан зарба беради). 1999 йили Эсторилда турнир финалига чиққан. Рейтинги 107 га тенг бўла туриб, (ўша вақтда 28 рейтингди) Анке Хубер устидан ғалаба қозонган. Венгрия Федерацияси Кубоғи жамоасининг аъзоси. Бол ва Берлиндаги мусобақалар унинг сервилли турнирларидир.

Рита Грандэй (Италия) — 1975 йили Италияда дунёга келган. Акаси Винченцо Грандей раҳбарлигида машқ қилади. 1999 йили Виржиния Руано Паскуалини енгиб, турнир финалига чиққан. Ҳозирча эга бўлган ягона WTA унвонини Хертогенбошдаги турнирда Сильвия Ферина билан ҳамкорликда қўлга киритган.

Нюаиет Крюгер (ЖАР) — 1973 йили Йоханнесбургда туғилган. Жанубий Африка Республикасида яшайди. 1998-1999 йилларда икки марта WTA спортчилари Кенгашига аъзоликка сайланган. 1998 йили энг яхши спортчи сифатида WTA совринига сазовор бўлган. WTAнинг икки унвонини (1995, 1997 йиллар) қўлга киритган. 1999 йили Куала-Лумпурдаги иккита аъжойиб ғалаба билан унвонлаган. Энг яхши рейтингини — 21.

Курилиш



ОИЛА БАҒРИДА — ОНА МЕҲРИДА

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидан ажратилган 5 гектарлик майдонда айни кунларда «SOS — Болалар маҳалласи» қурилиши кизгин давом этмоқда. Ушбу қурилиш майдонида 250 нафардан ортиқ бунёдкор бир максал йўлида — болалар маҳалласини лойиҳада кўзда тутилганидек қўлай ва шинам, қўрам ва бетактор ҳамда тезу соз қуриб битказиш ҳаракатида ғайрат кўрсатишмоқда.

Аввало, бу ерда қад рост-лаётган маҳалла қандай бўлади унда қимлар истиқомат қилади? Ойлавлар болалар уйлари ташкил этилиши жаҳон тажрибасида синалган бўлиб, бу усул «SOS — Киндердорф Интернешнл» халқаро жамияти лойиҳаси асосида вуқудга келган махсус оилавий болалар маҳаллалари иш тажрибасида ўзини оқлаб келмоқда. Ушбу халқаро жамиятининг республика-мизда болалар учун маҳалла-лар яратиш ҳақидаги такли-фи ҳукуматимиз томонидан қабул қилиниб, қўллаб-қув-ватланган эди. Ана шу асос-да «Соғлом авлод учун» хал-қаро хайрия жамғармаси, рес-публика хотин-қизлар қўми-таси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан «SOS — Ўзбекистоннинг болалар қишлоқлари» деб номланган лойиҳа тасдиқланган эди. Ушбу йили мана шу лойи-ҳани амалга ошириш йўлида илк қадмалар қўйилиб, пой-тахтимизга ташриф буюрган «SOS — Киндердорф Интер-нешнл» халқаро жамияти пре-зидент Гельмут Кутин бош-

чилигидаги делегация вакилла-ри шаҳримизда бунёд этилажак «SOS — Болалар маҳалласи» қурилиши пойдеворида бирин-чи гўштни қўйиш тантанали маросимида иштирок этган эди-лар. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу халқаро жамия-ят томонидан жаҳондаги 130 та мамлакатда 400 та ана шундай «Болалар маҳаллалари» фаоли-ят кўрсатаётган бўлиб, у ерда-да оилаларда 60 мингдан ор-тиқ меҳрга ташна ўғил-қизлар камол топтоқдалар. Уларнинг яйраб-яйнаб ўсишлари, бочка ва мактабларда таълим-тарбия олишлари, меҳрибон оналари бағрида меҳр қўришлари — ҳамма-ҳаммаси эътиборга оли-нади. Муваффақиятнинг эса ана шундай лойиҳага қўшил-ган 131-мамлакат бўлиди. Қури-лаётган «SOS — Болалар ма-ҳалласи»нинг асосий мақсади эса тақдир тақозоси билан ота-онасидан ажралган ана шундай ўғил-қизларнинг оилада меҳри-бон аёл — она қарамоғида тар-бияланишига эришиш, уларда муқаллас гўша — оилага му-ҳаббат, опа-сингиллик, ака-ука-лик туйғуларини уйғотишга

муваффақ бўлишидир. Халқаро жамиятнинг биз-нинг юртимизни танлаши ҳам бежиз эмас. Чунки азалдан хал-қимиз болажон, оилапарвар, ҳар доим меҳрибонлик уйла-рида ота-онасиз тарбияланаёт-ган фарзандларимизга эътибо-римиз юксак. «SOS — Киндердорф Интер-нешнл» халқаро жамияти ша-фелик қилаётган лойиҳа асоси-да бунёд бўлаётган қўрам бол-алар маҳалласида бутун қури-лиш авжида. Бу маҳаллада оилалар учун 14 та 2 қаватли кotteж, болалар бочаси, маҳал-ла директорининг хонаси, меҳ-монхона ва бошқа керакли хо-налар қад ростламоқда. Шунин-си қувонарлики, бунёдкорлик майдонида меҳнат қилаётган ҳар бир қурувчи ўз ишига масъ-улиятни ҳис этган ҳолда аҳил-ликда меҳнат қилмоқда. Барча юмушларни «SOS — Киндер-дорф Интернешнл» халқаро жа-миятига қарашли «Қурилиш майдончаси» болалар қишлоқ-лари» қурилиш ташкилоти раҳ-барлигидаги турли миллат ва-киллари билан бир қатори қури-лаётган майдонда меҳнат қи-лаётган болалар билан бир са-фда ўзбекистонлик энг муҳир бунёдкорлар ишлашмоқда. Бизни бунёдкорлик майдон-часидаги бажарилаётган ишлар билан таништирав экан, қури-лиш бошлиғи Радован Майин маҳалла қандай бўлиши ҳақида ҳам маълумот берди. — Бу ерда қурилаётган ҳар бир бино нафақат қурилиши билан, балки шарт-шароитла-ри билан ҳам яшовчилар учун қўлай бўлади, — дейди у. —

Чунки биз бундай маҳаллалар-ни қайси давлатда бунёд этмай-лик, албатта, унинг шароити-дан, одамлари табиатидан ке-либ чиқамиз. Ишонимизки, Тошкентда қурилаётган сўлим ва шинам масканимиз энг гўзал маҳаллалардан бири бўлади ва бу ерда соғлом ва баркамол ўғил-қизлар ўсади-лар. Шунини эътиборлики, бу қурилиш майдонида ишлаёт-ганлар вақтдан, қурилиш мате-риалларидан оқилона фойдалан-моқдалар. Хориждан келтири-лаётган ва юртимиздаги қорхо-наларда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари вақти-да етказиб турилибди. Қурув-чилар 2 сменда уюшқоқлик билан меҳнат қилаётганлар. — Қурувчиларимиз ушбу бунёд этилаётган масканда бор маҳоратларини ишга солиб, ўғил-қизларга бўлган муҳабба-тларини намойиш этиб ишла-моқдалар, — дейди катта иш юритувчи Шахриёр Мирзабе-ков. — Бу ерда 14 та қурувчи-лар бригадаси ҳамда 6 та мах-сус ишлар бўйича бригадалар иш қўйиб бунёдкорлик қи-лаётган. Турли миллат вакиллари билан иборат қурувчиларнинг ўзаро ҳамжи-ҳатлиги ўз самарасини бераёт-ган қувонарлики. Қўли гул бўлиб қурувчиларимиз жуда кўп. Ай-ниқса, Анатолий Фроловский, Владимир Дубовский, Эркабой Чўлпонов, Юрий Резов син-гари бригадирларимиз, Сафар

Атанбоев, Нурсайд Исабеков каби тажрибали қурувчилари-миз барчага ибрат бўлмоқда-лар. Ишдаги тартиб, сифатга эътибор, вақтдан унумли фой-даланиш — болалар маҳалласи қурилишидаги асосий омилга айланган. Энг қувонарлики, бу гўшада болаларга муҳаббат, оиладаги саранжом-саришта-лик, она меҳри муҳассам бўла-ди. Ҳа, бу ерда меҳнат қилаёт-ганлар болалар маҳалласини Соғлом авлод йилида фойда-ланишга топшириш ниятида-лар. Ана шунда қалб қўрла-рию юрак меҳрини болаларга — азиз дилбаландларига баши-да етқизишларга қўйиб қўйи-лаётганлар. Ушбу йилда 100 на-фардан ортиқ соғлом болалар тарбияланишлари ва албатта бу маҳаллада оқибат ва муҳаббат ҳукмрон бўлиши, шубҳасиз. **Шариға ИЛЕСОВА.** **СУРАТЛАРДА:** қурилиш майдонида; катта иш юритувчи Шахриёр Мирзабеков (чапдан) ва бош муҳандис Александр Сая-дан, қурилиш бошлиғи Радован Майин ва геоде-зист Рустам Акчуринлар ҳар дақиқада бунёдкор-лик ишларидан хабардор бўлишди; гишт терувчи-лар бригадаси аъзолари ҳамма илғорлар сафи-да. Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



Касбнома

МАЗМУНЛИ УМР

Ғолибнинг аскарлик сафидан қайтиб келганига 20 йил бўлди. Шу даврлар мобайнида қанчалар-канча баҳорнинг зилол сувлари ари-қларни тўлдириб оқди, табиати хушманзара эди. Йигит босиб ўтган мазмунли йилларни уйларида мийғида қўлиб қўйди ва гурунглари-даги суҳбатни эслади.

— Ғолиб йигитлик бурчини адо этиб чинакам ғолиб бўлиб келди. Хуш, энди нима қилмоқчисан? — Магазида сотувчи бўлиб иш-ласин. Харидорнинг моллар қулида бўлади. — Қассоблик ҳунар ҳам ёмон эмас, пичоги доим мой устиди уйнай-ди. Яқин кишиларнинг дилидан оти-либ чиқаётган масалаларини Ғо-либ жимгина кулоқ солиб тингла-ри ва кўпдан бери уйлаб юрган орзу-сини тилига чиқаришдан ийманар эди. Меҳмонлар сийрақлашиб қолганда Тухтахон ая фарзанди Ғолибнинг ёнидан жой олиб, унга оналик меҳ-ри билан бокди. — Болажоним, айтгандек қайси касбини танладинг, бугунги маслаҳат берган кишиларнинг гапига қараган-да «Магазинчилик касби зур эмиш. Сен хуш дея қолдингми?» — Оянажон, ҳамма касб ҳам «зур», фақат меҳр ва сабр-тоқат керак, виж-донли, ҳаққий, иймонли бўлиш му-

ҳим аҳамият касб этади. Мен шо-фёрлик касбини танладим. Ғолиб онасини пинҳона кўздан ке-чирди. Тухтахон ая жигарбандини бўйнидан қучиб уни ёш боладек эр-калади ва қўлини дуога очди: — Омин, орзуингга ет, танлаган шофёрлик касбидан мартабаниг улгай-син. Элга хизмат кўрсатишингда пир-лар мададкор, ҳаётинг фаровонли-да бетактор бўлсин, Оллоху акбар. Инсоннинг ҳаёти Она дуоси би-дан куп жиҳатдан боғлиқ десак му-болага асло урин қолмайди. Бу қим-матбаҳо дуо Ғолиб Усмоновнинг ҳаёт йўлида исботланди. Аскар-ликда машаққатларини енгишга қўниқиб қолган йигит ҳужжатларини «Тошхажарйўловчи» Дав-лат уюшмасига қарашли 4-автотур-саройда очилган ҳайдовчилар тай-ёриш курсига расмийлаштирди. Унинг биринчи устози Баҳодир Ис-роилов назорат ва амалий билим бе-ришда Ғолибга алоҳида эътибор бе-риб, қўшимча машғулотлар ажрат-

ди. Ниҳоят ёш Ғолиб Усмонов му-стақил автобус бошқаришга кириш-ди. Унинг учун бу кун бир умрга муҳрланиб қолди. Бундан етти йил муқаддам ав-тотур саройида раҳбарлари ва тажри-бали йўналиш сардорлари Ғолиб У-смоновни 181-йўналишга сардор этиб тайинлашнинг бир овоздан маъқ-уллашди. Ғолиб аввал бироз қучи-ди, илло йўналиш ҳайдовчилари янги сардорнинг юзини ерга қаратмасли-ка суз бердилар. Бу амалда ҳам ис-ботланди. 181-автотур йўналиши «Бешёғ-бозори — Чилонзор метроси бекати — Самарқанд шўх бекати — Тинч-лик жамоа ҳужалиги» орасидаги ман-зилларни бир-бири билан туташти-рмоқда. Йўловчилар хизматига ажра-тилган 7 та машинанинг ҳар бири 8 та рейс қилишга улгурмоқда. Йўна-лиш масофаси 33 чаккир. Иккитдор-лик касб эгалари Тоҳир Қўлибеков, Тоҳир Хантбоев, Умрзоқ Юсупли-ев, Тулкин Мамадалиев, Тўғрун Бурхонов, Гофир Ражабовларнинг йўловчиларга намунали хизматидан қорхона жамоаси мамнун. — Биринчи тоифали ҳайдовчи Ғо-либ ўз оти билан ҳам ғолиб, — дей-ди суҳбатдошимиз нозимхона на-вбатчиси Эргаш Хужаев. — Маши-

нани кўз қорачигидек сақлашда ғолиб, касб маҳоратини оширишда, қатъий жадвал асосида юришда, юк-сак меҳнат интизомини сақлашда ҳам ғолиб. 74-56 ТНП автобус ҳай-довчиси Ғолиб Усмонов етакчили-гидаги 181-йўналишда юрчиқ йўлов-чилардан бирор маротаба шикоят қилинганни билмайман. Шундай тадбиркор ҳайдовчилар бор бўлсин, йўллари бекхатар, иқболлари улуг бўлсин. 2000 — Соғлом авлод йили она-ларни, фарзандларни асраш, соғлиқ-ларини мустаҳкамлаш йилидир. Сал-кам 80 баҳор сувидан баҳраманд Тухтахон ая ва унинг келини Жа-милахонлар Умид, Муножат, Ҳожиак-барларнинг тарбиясида зўжко, оқила, ҳаққий, самийий соғлом бўлиш ва эл эъзозлайдиган инсон бўлиб етиш-тириш ниятида ҳар тонг Оллоҳдан ризқ-насиблари ва умрларини сўрай-дилар. Ғолибнинг сочлари ва кўнгли-лари оппоқ ояназори ҳар тонг ишга қузатар экан: «Илоҳим йўлинг бе-хатар, турт мучанг соғ бўлсин бола-жоним», дея юзига оқ фотиҳа тор-тади. Ҳа, ҳалиларда «Жаннат оналар оёғи остидадир» дейилди. Ғолиб У-смонов ана шу табарруқ ҳикмати-ни ҳаёлидан утқазар экан, «Она дуоси — олтиндан қиммат»лигига қатъий ишонди ва ишончиси томон мам-нун қадам ташлади. **Фаттоҳ АБДУРАХИМОВ,** Усмон МУҲАМЕДОВ.

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат хисса-дорлик компанияси фаолиятида поезд вагонларини сошлаш ва тўб таъмирлаш ҳам етакчи урин тутмоқда. Шу сабабли компания масаланинг бу муҳим томонини инобатга олиб, юк ва йўловчилар ташвиш вагонларининг техник соз бўлишига, бир маромда ишлашини таъминлашга эришмоқда.

Тошкент вагонсозлаш за-водининг бунёд этилаётгани

ХОРИЖ ТЕХНИКАСИ АСОСИДА

ҳам айна муддоо бўлди. Ушбу йирик темирйўл қорхонаси-ни тиклашда Япониянинг «Марубени Корпорейшн» компанияси билан тузилган шартнома ҳам муҳим аҳа-ми-ят касб этади. Янги заводда очилаётган цехларни тиклашда эса Гер-мания темирйўл қорхонала-ри фаоллик кўрсатмоқдалар. Шу ўринда «Михоэль Войниг АГ» немис фирмасини ил-сол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу фирма ўзининг қудрат-

ли дастгоҳлари билан бутун дунёга яхши танилган. Улар ёгончи қайта ишлашда ай-ниқса кўл келди. Бу хил до-стгоҳлардан бир нечтаси яқин орода Тошкентда ҳам келтирилади. Улар янги бу-нёд этилаётган заводда очи-ладиган ёгончи қайта ишлаш цехига ўрнатилади. — Шуниси муҳимки, энг замонавий техник асбоб-ус-қонлар билан қуролланган бу цехда турии модифика-циядаги мебеллар ишлаб чи-

қариш ҳам йўлга қўйилади, — дейди компанияга қараш-ли йўловчиларга хизмат кўрсатувчи вагонларни таъ-мирлаш дирекциясининг етакчи мутохассиси Хосим То-иров. — Шу билан бирига ва-гонларни бўлаш ва қуритиш-га хизмат қиладиган техни-каларни олиб келиш бўйича ҳам шартнома тузилди. Гер-маниядаги «Амендорф» ва-гонсозлик заводи билан ҳам яқин ҳамкорлик алоқаси бо-ланди. Тошкентда янги бу-

нёд этиладиган қўшма қор-хонани очишда бу завод фео-л иштирок этади. Гап шундаки, мамлакат-имиздаги темир йўл саройла-рида ҳозир эскириб қолган қўллаб вагонлар бор. Улар қорхонада Германиядан келти-рилган вагонлар ҳам анчаги-на. Вақт ўтиши билан ана эскириб қолган бу вагонлар-ни тўб таъмирлаш мақсади-да юқорида тилга олинган ўзбек-немис қўшма қорхона-си очилмоқда.

Мазкур қорхонада сифат-ли таъмирдан чиққан вагон-лардан яна 10-20 йил фой-даланиш мумкин бўлади. «Амендорф» заводи мутахас-сислари дизайнерлик бўйича масалалар берадилор, за-вод қўшма қорхона вагонлар электр жиҳозлари учун иш-латилмайдиган эҳтиёт қисмлар-ни етказиб беришни ҳам ўз зиммасига олди. Тошкент вагон таъмир за-водининг бир гуруҳ мутахас-сислари Германияда бўлиб, «Амендорф» заводида ўз ма-ласини ошириб қайтди.

Али АҚБАРОВ.



Касбим билан фахрланаман.

РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР

Корхонада асосан республи-када ишлаб чиқариладиган пах-тадан «Прима» момиги, тиб-биёт момиги ҳамда брезент каби маҳсулотлар тайёрла-ниб, мамлакатимиздаги 54 та савдо шохобчаларида хари-дорларга сотилади ҳамда чет-га экспорт қилинади. — Бозор иқтисодиётининг асосий талабларидан бири қорхона ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг харидори-нақд бўлиши керак, — дей-ди қорхона раҳбари, тадбир-кор Садриддин Исмоилов, — ана шунда тайёрланган мах-сулот оғирда туриб қолмай-ди, ишлаб чиқариш ҳам ри-вожланаверади. Иккинчидан, бозорни чуқур ўрганиб, ке-ракли ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин-дир. Корхонамиз 7 йилдан буён фаолият кўрсатаётган бўлса қарийб биринчи уч йил да-вомида қийнчиликлари ен-гишга, ўз мақсадимиз йўли-да изланишга сарф бўлди, десам янгилишмайман. Тад-биркор ўз ҳақ-ҳуқуқини бил-са, тусиқларини енгиб ўта оли-шига тажрибадаму гувоҳ бўлдим. Айниқса, тадбиркор-ликка очилган кенг йўл, урта ва кичик бизнесни ривожлан-тиришга қаратилаётган эъти-бордан оқилона фойдала-

нишга интилдик. Биз четдан ҳам ашё қидирмадик, балки замонавий чет эл технологи-яси билан фойдаланиб ўзимиз-нинг ҳам ашёдан экспортбон маҳсулот тайёрлашга эриш-дик. Жамоа эришаётган муваф-фақиятлар ана шу меҳнат ва изланишлар натижасидир. 34 нафар ишчи ва хизматчилар меҳнат қилаётган қорхонада ҳар ойда 20 миллион сўмлик-дан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилиб, харидорларга ет-казиб берилмоқда. Туманда ўтказилган «Таша-бус — 2000» таълимнинг ғоли-би бўлган ушбу қорхона тад-биркорлари, ана шу таълимнинг шаҳар босқичида ҳам муваф-фақиятли иштирок этиб «Энг яхши солиқ тўловчи» номини олишга сазовор бўлишди. Тадбиркорларнинг айни кунлардаги мақсадлари хори-жий шериклар билан қўшма қорхона ташкил этиб, шах-сий гигиена буюмларини иш-лаб чиқаришдир. Шу билан бирга ўз маҳсулотларини на-фақат Россия, балки бошқа хорижий давлатларга ҳам со-тиш, бу билан мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ўз ҳис-саларини қўйишни қўлаб меҳнат қилишмоқда.

Дилноза ҒИЁСОВА.

Хабарингиз борми?

«СОБИР РАҲИМОВ — СИРҒАЛИ»: ЯНГИ МЕТРО ЙЎНАЛИШИ

Тарихдан маълумки, инсоният ер ости темир йўлидан фойдаланиш масаласи билан кўпдан бери шугулланиб келади. Жаҳон метросозлиги бир юзю 37 йиллик тажрибага эга. Энг биринчи метро 1863 йили Лондонда қуриб битказилган эди. Ушандан буён дунё бўйича саноати юксак тараққий этган, нуфузи салмоқли бўлган шаҳарларнинг 35 тасида ер ости темир йўли бунёд этилди.

Дунёда ўттиз олтинчи — Урта Осиёда эса тўнча саналган Тошкент метросининг биринчи навбатини фойдаланишга топширишда шу кўп йиллик бой тажриба кўл келди. Мана, 23 йилдир-ки, Тошкент аҳолиси ва пойтахтимиз меҳмонла-ри энг қўлай транспорт воситаси бўлган метро хизматидан фойдаланиб келишмоқда. Метро бе-катлари оралиғида қатнаётган поездлардан йўловчиларнинг асосий қисми баҳраманд бўлмоқ-да.

Бугунги кунда ҳам ер ости қасрини бунёд этиш ишлари қизгин давом этмоқда. Метрочилар йўлов-чиларга бундан ҳам яхшироқ хизмат кўрсатиш, уларнинг узогини яқин қилиш учун бошқа хил имкониятларни ҳам ишга солимоқдалар.

Метро бунёдкорлари Тошкент метрополитени-нинг навбатдаги тўртинчи йўналишида иш бош-лаб юбориш тараддулини қўришганлигини ҳам мамуният билан айтиб ўтиш жоиздир. Бу қури-лиш ишооти Тошкент метросини эртанги ис-тиқболи билан боғлиқ ҳолда бунёд этилади. Бун-да ҳам Тошкент «Метролойха» жамоа қорхо-наси муҳандис ва меъморлари тайёрлаётган лойи-ҳалар муҳим урин тутди.

Чиндан ҳам Тошкент метрополитенининг эртанги куни порлоқ, — дейди қорхона раҳбари Одил Зокиров. — Маълумки, мамлакатимиз ҳуку-матининг қарори билан «2000-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасида шаҳар йўловчи та-шиш транспортни ривожлантириш концепция-си» маъқулланди. Республикада шаҳар йўловчи ташиш транспортининг замонавий халқаро та-лабларга ва аҳолининг ўсиб бораётган турмуш даражасига мувофиқ бўлган тизимини босқичма босқич шакллантириш вазифалари ўз ифодасини топан мазкур йўриқномада кўрсатиб ўтилган-дек, 2001-2003 йилларда Тошкент метрополите-нининг учинчи йўналиши ва Юнусобод метро де-поси қурилишини тугаллаш, шунингдек, ерости темир йўлининг янги — «Собир Раҳимов — Сир-ғали» йўналишини барпо этиш лойиҳасини қабул қилиш мўлжалланди.

Кейинчалик метрополитенининг тўртинчи («Со-бир Раҳимов — Сирғали») йўналишини қуриш ишлари бошланади. Шу муносабат билан биз янги метро йўли лойиҳаси устида жиддий иш олиб бордик. Бу улкан ерости ишооти қури-лишининг техникавий-иқтисодий ишланмалари ҳам тайёрланди. Тошкент метросининг аввалги йўна-лишлари сингари «Собир Раҳимов — Сирғали» йўли бекатлари ҳам ўзига ҳос тарзда қурилади. Бинобарин, бу йўналиш гўзал ерости қошонала-

ри янглиқ қўлайлиқда ҳаммага манзур ҳолатда бунёд этилади. Замонавий меъморчилик лойиҳа-лари асосида қуриладиган бу ишоот А. Хужаев метро бекатидан бошланади. Бу йўналиш Собир Раҳимов бекатидан Жанубий саноат зонаси орка-ли Жўн ариги ва Салор остидан ўтиб, Сирғали тумани билан боғланади. Янги йўналишнинг ҳар бир бекати ўзининг ички меъморий лойиҳа бека-ти билан ажралиб туради. Чунки, унинг «Чош-тепа» бекати нафис тасвирлардан сайқал топади. Унинг ички деворлари ўзига хос гўзал қўринишга эга бўлади. Бадий ойналар ва хромлашган қуру-лар ҳам бекат чиройига чирой қўшади.

Пойтахтимизнинг М. Алави қўчаси ёнида тик-ланадиган «Ўзғариш» метро бекати лойиҳасини яратишда ҳам миллий меъморчилик усуллари қўл келади. Қурилишда оқ мраммдан ҳам кенг фой-даланилади. Манзарали безаклар эса бекатнинг ички қўринишига ажиб манзара беради.

«Сирғали» бекатини қуришда ҳам кўп нарсал-ар эътиборга олинади. Бу ерда йўлга темир-бетон устунлари қад кўтарилди. Шу мақсадда ян-гича конструкторлик чизмаларини қўллаш кўзда тутилди. Турли ажиб ёриткичлар, безаклар бека-тининг ички қўринишини оғир юборади. Унга кирган кишилар бу ерда йўловчилар учун барча қўлай-ликлар муҳайи этилганлигини гувоҳи бўлади-лар. Янги метро йўналишининг сўнгги бекати «Дўстлик» деб номланмоқда. Замонавий миллий меъморчилик санъатининг қўриқларини ўз акси-ни топадиган безаклар бекат бўйича тузилган лойи-ҳанинг мақсади мувофиқ тарзда тайёрланган лигидан далолат бериб турибди. Бу ерда йўловчи-лар катнови учун қўшимча қўлайликлар муҳайи этилади. Бунёдкорлик ишларини олиб боришда транзит тошлар, оқ рангда тайёрланган манзарали тўсиқлар, турли рангда жилосланган турган мар-млар ҳам қўл ишлатилади. Шунингдек, йўлов-чиларнинг метрога кириб-чиқишлари учун ҳам кўп қўлайликлар муҳайи этилади.

Юқорида айтиб ўтилган бекатлар ўзаро бир-бирдан фарқ қилувчи меъморий услубда сайқал топиб, шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонлари учун яхши совға бўлади. Уларни қуришда турли ме-талл, рангли ойналар, сополлар ҳамда замона-вий пардозлаш материалларидан фойдаланила-ди. Манзарали ҳайкалтарошлик ва дизайн санъа-ти ижодиёти намуналари ҳам ишга солинади.

Хуллас, Тошкент метросининг кенг шохбоси юзига келмоқда. Қўлай ва ишончли транспорт во-ситасига айланган метро тўғрисида шаҳарнинг ис-талган чеккаси бир қадам бўлиб қолди.

Ақбар АЛИЕВ.

Тадбиркорлик

Юксак унумли, замонавий дастгоҳлар асосида ишлаш, маҳсулотнинг сифатли ва рақобатбардош турларини ишлаб чиқариш бозор иқтисодиётининг муҳим талабларидан бири эканлигини тўғри англаган пойтахтимиздаги «Олмос-текс» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари ўзимизнинг ҳам ашёдан тайёрланган маҳсулотларини Россия ва бошқа давлат-ларга экспорт қилмоқда.

Санъат оламининг юлдузлари кўп. Ўзининг бетакдор кўшиқлари билан эл олқишини олаётган санъаткор — Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Ғулумжон Ёқубовдир. Унинг томошанинг калбидини нозик торларини чертиб, ўзининг сеҳрли оламига етаклайдиган, тинглаганда одамни «сел» қилиб юборадиган кўшиқлари кўп. Бугун севимли санъаткоримиз «Оқшом» меҳмони.

— Ғулумжон ака, хонандалар кўпчилиги «Кўшиқ» — менинг ҳаётим» дейишади. Сизнинг фикрингиз?

— Кимга қандай биламиди, лекин кўшиқ мен учун ҳам ҳаёт, кўшиқ кўнглимизнинг кўзгуси, дардингиз малҳами. Дилдан, юракдан чиқариб айтилган кўшиқ ҳамisha тингловчисини топади.

— Сиз таниқли хонанда Фахриддин Умаровни устозим дейсиз. Аслида ҳам сиз ўз ижодингизни лирик кўшиқлар куйлашдан бошлаган эдингиз. Хозирда эса эстрада жанрида ҳам ижод қиласиз...

— Ҳақиқатан халқ сўйган хонанда Фахриддин Умаровни ҳақли равишда устозим дейман. Чунки илк бор 1967 йили санъатга Фахриддин акадан сабоқ олиб, саҳнага ҳам у кишининг кўшиқларини айтиб чиққанман. Кўшиқ айтиш сир-асрорларини ҳам устоз санъаткордан ўрганганман. Оллоҳга шукр, кейин ўз йўлим, ўз овозим билан санъатга йўл олдим.

— Баъзан мусиқашиқларда эстраданинг энгил-елли жанр дейишади. Бу гапга нима дейсиз?

— Энгил-елли деган гапга қўшилишмайман. Чунки эстраданинг ҳам ўз йўналиши, ўз ўрни бор. У алоҳида жанр. Жанр бўлганда ҳам катта меҳнат, маҳорат талаб қилади, сермашаққат жанр. Унча-мунча санъаткор бу соҳада ўзини элга манзур қилолмайди. Шунинг учун ҳам энгил йўлларни ахтарувчилар йўқ эмас. Таассуфлар бўлсинки, айрим хонандаларимиз, айниқса санъатга эндигина кириб келадиган ёшлар энгил-елли ёзилган шеърый матнларни гарб мусиқаси билан чатиштириб, обрў топишга ҳаракат қилмоқдалар. Боз устига уларнинг кўплари фонограммага ёпишиб олишган. Фонограммасиз кўшиқ айтолмаган хонандани қандай қилиб санъаткор дейиш мумкин. Эстраданинг энгил-елли жанрга айланиб қоллишига ҳам фонограмма сабаб бўлмоқда, деб ўйламан. Ҳақиқий санъаткор ўз овозига эга бўлиши керак.

— Ўзбек миллий эстрадасини раҳматли Ботир Зокировсиз тасаввур қилиш қийин. Фикрингизда, ҳозирги кунда қайси санъаткорларнинг унинг изидан кетяпти дейиш мумкин?

— Биласизми, фикримча Ботир Зокиров ўзбек миллий эстрадасини шундай юксакларга кўтарганки, ҳали ҳеч бир санъаткор айнаш шу даражага етгани йўқ, деб ўйламан. Яқин йиллар ичиде умидли ёшларимиздан унинг издошлари чиқишига ишонман.

— Сизни санъаткорлар ичиде энг қувноқ, энг гапга чечани дей-

ишади, Шу ростми?

— Билмадим, балки маълум маънода тўғридир. Хушчақчақман, дўстларим, кадрдонларим даврасида яйраб кетаман, ҳазил-муйойба, аския биздан рози кетади. Ҳамма нарсанда меъёр бўлгани ахши, вақти келганда қатъиятчан, бир ишга киришсам, орқага ҳеч қачон чекинмайман.

— «Шум бола» билан суҳбатлашиб қолдим. «Нега Ғулумжон ака «Лаззат» ошхонасигизда кўринмайдилар, деган саволимга «Ғулумжон ака қозонга сув солиб қайнатсалар ҳам тағига олдириб юборадилар, деди...»

— Абдуваҳоб жуди тўғри гапни айтибди. Бу борада мен «Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин» деган на-

Диллашу

СЕҲРЛИ СОЗ — ХУШОВОЗ БИЛАН



қлга амал қиламан. Қўлимдан келмайдиган ишга уриниб нима қилдим.

— Лирик хонанда сифатида танилгансиз, лекин ижодингизда бир бўрилиш бўлдики, эстрадага ўтиб кетгандексиз...

— Менимча, ҳаётда ҳамма нарсани синаб кўриш керак. Ахир бир аср яшаб, бир аср ўрган дейишганку. Мен ҳам эстрадада ўзимни синаб кўрмоқчи бўлдим. Лекин ҳамisha кўшиқларимда ўзбекона миллий оҳанг ва миллий руҳ ўфуриб туришига ҳаракат қиламан.

— Мустақиллик йилларида санъаткорларга берилаётган эътибор, имкониятлар беқиёсلىгини эъти-роқ этамиз. У сизнинг тақдирингизда алоҳида ўрин тутадими...

— Мустақиллик туфайли санъаткорларга берилган имконият ва эътибор ҳақида алоҳида тўхташ керак. Халқи учун, юрти учун фидойи, заҳматли меҳнати билан халқ дилига, дидига маъқул кўшиқ яратган, кўпнинг меҳрини қозongan санъаткорлар обрў-эътиборга, давлатимизнинг олий нишонларига сазовор бўлмоқда. Эътибори олқиши ва эътиборини қозongan санъаткорнинг меҳнатлари, изланишлари қадрини топса бундай унвонлар санъаткорларга янада илҳом, жўшқинлик бахш этади. Биргина ўзимни олсак, 1997 йилда «Дўстлик», 1999 йилда «Эл-

юрт ҳурмати» орденлари билан тақдирландим. Бу мукофотлар мени минг қарра кўпроқ изланишга, инсонлар қалбига эзгулик уруғини соҳадиган, бебаҳо, ўлмас кўшиқлар яратишга, халқимиз, муҳлисларим ишончини оқлашга даъват қилади.

— Кечирасиз, ярагинизни тир-намоқчи эмасман, бошингизга тушган таъшишлардан хабардор-миз. Буларни энгил, саҳнага қай-тиб, кўшиқ айтиш осон бўлма-гандир?

— Биласизми, ҳаёт қадрини, қим-матини, тириклигининг буюк кўчини бошинга тўсатдан қуфлат тушганда, ҳаётингда оғир йўқотишлар бўлган-да янама қаттиқроқ билар экансан. Ҳеч кимга фарзанд доғини кўрсат-масин. Икки дунё саодатида эришиш умидида яшаётган ҳар бир инсон сабр-тоқатли, чи-дамли, кучли, ирода соҳи-би бўлиши керак экан. Тушқунликка тушиб, юра-гинни кўтаролмай қолган вақтда меҳр-оқибат, ҳа-қарор айтмаган, меҳр-оқибат, эътибор, сен халқ учун кераксан, деган ишонч ва муҳаббат мени яна ҳаётга қайтарди, кўшиқларим билан гўёки қайта тирилдим.

— Санъаткорлардан қимнинг кўшиқларини эътирасиз?

— Нуриддин Ҳамроқулов, Жўра-бек Набиев, Юлдуз Усмонова каби халқ ардоғидаги санъаткорлар кўшиқларини севиб, мароқ билан тинглайман. Ўз овозига, ўз соҳига эга санъаткорлар кўшиқларида ўз-бе-кона миллийлик бор.

— Ушалмаган орзу-ниятларингиз борми?

— Бор, албатта. Амалга ошмай қолган орзу-ниятларга ҳамон инти-ламан, ушалмаган орзулар мени ижоддан тўхтамасликка ундаб тура-ди. Яхши кунларимда ҳам, қалбим-ни дард-алам келмиганде ҳам кўшиқча суянаман, дард бергандан сабр-тоқатни ҳам сўрайман.

— Кўпроқ қайси бастакорлар билан ҳамкорлик қиласиз?

— Бастакор Абдуқошим Исмоилов 23 йилдан бери мен билан ҳамкор, ҳамнафас. Алишер Расулов, Анвар Эргашев, Дилором Омониллаева каби таниқли бастакорлар билан ижодий ҳамкорлик қилмоқдаман. Халқимизга манзур бўладиган янги кўшиқлар яратиш устида ишлаяпмиз.

— Саҳнага илк бор чиққан-гизга ҳам анча йиллар бўлди. Ле-кин Ғулумжон Ёқубовнинг реитин-ги баланд дейишади. Бунинг са-баби нимада?

— Нокантарликка йўмангу — ҳам-масининг сабаби уйқусиз тунлар, сер-машаққат кунлар, тинмай изланиш-да деб биламан. Кўшиқ муҳаббат-дан туғилади, кўшиқ дарддан яра-лади. Чиройли кўшиқ — янги, керакли кўшиқ яратсам деб ҳаракат қиламан. Санъаткорнинг маҳсулоти — бу кўшиқ. Баҳосини эса халқ беради.

— Охири саволим: кўп минг сонли муҳлисларингизга тилакларингиз ва келгусидаги режаларингиз ҳақида гапириб берсан-гиз.

— Режаларим жуда кўп. Шулар-дан бири — янги-янги кўшиқлар я-ратиш, кўшиқ бўлганда ҳам ҳаммага бирдек ёқадиган кўшиқ яратиш. Му-ҳлисларим ҳар доим соғ-саломат бўлсинлар, кўшиқ эшитмаган кунла-ри бўлмасин...

Шоира МУҲАМЕДОВА суҳбатлашди.

Тадбирлар

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КАМОЛИ ЙЎЛИДА

Маҳалла ҳар бир инсон тугилиб, ўсиб-ўлғаядиган, доимий истикомат қиладиган, тўй-ҳашамлар ва маърақа-тадбирлар ўтказиладиган муқаддас маскан. Шу боис соғлом авлодни вояга етказиш, уларни жисмонан соғлом, руҳан баркамол, миллий қадрият-ларимизга содиқлик руҳида тарбиялашда маҳалла-ларнинг ўрни беқиёсдир.

Кўни кеча шахримизнинг Мирзо Улугбек туманида жойлашган Болалар ва ўсмирлар ижодий марказида Амир Те-мур маҳалласи фаолларининг ташаббуси билан «Соғлом ав-лод» давлат дастурида қўзда тутилган вазифаларни амал-га оширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.


Тадбирга шифокорлар, та-ниқли фан арбоблари ФХДЭ ходимлари, спорт соҳаси ва-киллари ва шу маҳалла фа-оллари, онахонлар, ўқувчи-лар тақдир этилди.

— Соғлом авлод халқнинг, миллиятнинг келажигидир, — деди Амир Темур маҳалласи оқсоқоли Абдулла ака Ортиқ-боев тадбирни очар экан. — Болалар бизнинг эртанги ку-нимиз, қувончимиз, бахтимиз. Халқимизда шундай ҳикмат-ли мақол бор. «Бир болага етти қўшни ота-она». Худди шу мақол маҳалла учун ай-тилгандек.

Соғлом оилада соғлом фарзандлар дунёга келади, қимли инсонлар вояга етади. Оиладаги одоб-ахлоқ, қадим-ий урф-одатлар, маросим-лар, ота-онани ҳурмат қилиш, бетоқ одамларни йўқлаб, уларнинг кўнглини кўтариш каби қадриятлар ҳам оиладан

Шоҳиста МАХМУДОВА.

ЎЗ — 2000



Ўз кўнглини ўтмоқда. Равиль Альбеков олган суратлар.

Масалан, Фармонда дабдабали тўй-ҳашамлар ўтказган фуқароларнинг даромад манбаи су-риштирилиши ва тегишли чора қўрилиши ёзилган. Лекин бирор-та дабдабали тўй ўтказган шак-сининг фамилияси, исми на теле-визор, на радио орқали тилга олинмади, газеталарда ёзилган мақолаларда ёзилмади. Ахир бу энг самарали йўлу.

Дабдабали тўйлар Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туман «Ма-ҳалла» хайрия жағмарасининг маълумотида қайд қилинган 1999 йил 20 тадан ортиқ ўтказилган. Улар билан маҳалла оқсоқолла-ри «ақам-ақка» гаплашиб қўйган. Агар ана шу дабдаба-ли тўйларни ўтказганлар билан фуқаролар йиғинида юзма-юз суҳбатлашганда бунинг самар-аси бошқача бўларди, албатта.

Дабдабали тўй-ҳашамларнинг ўтказилишидан фориж қиладиган энг ахши йўл бу—халқ орасида энг тарқалган тўй ўтказган шак-синларнинг олиб бориш. Аҳоли онгнинг ошши орқали ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Ҳар хил тарзда ўтказиладиган тўй-ҳашамлар, маърақа, оилавий маросимларга бағишланган ки-нофильмлар, телекўрсатувлар, радиопостановкалар ишлаш, га-зеталарда мақолалар чоп этиш лозим. Бу масалга эътиборни бир даражада қаратиш тўғриси-да.

Иккинчидан тўй-ҳашамлар, маърақа ва оилавий маросим-ларнинг тартибига солиш тўғриси-даги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, Тош-кент шаҳар ҳокимининг қарори халқ орасида тушутирилди-ю, лекин уни бажаришга қаратил-ган тадбирлар ҳам ўтказилди.

Саъиддин САЛИМОВ, профессор.

ШАРҚ ДУРДОДАРИ

ЎЗ-ЎЗ ЎРГАНИБ ДОМО БУЛУР...

◆ Баён қилишларича, бир чумчуқ дарё киргоғи-даги дарахт тепасига ин қўйган эди. Уша атрофда бир фил бўлиб, у ҳар кун дадига сув ичгани ке-лар, сув ичиб бўлгач, чумчуқ ин қурган дарахт ости-га келиб даммини олиб ётар, сўнг ўрнидан туриб дарахтга қаттиқ ишқаланади, индаги чумчуқ болала-рини йиқитиб юборай дерди. Чумчуқ ўз болалари-нинг ҳавф-хатарда қолганини кўриб, ўзига-ўзи деди: «Фил менинг душманимдир! Душманни ҳикмат ва тадбир юзасидан иш кўриб, оёқдан қулатмоқ ло-зим!» Донулар бекорга: «Душман билан тик оли-шувга кучинг етмаса, мақру хийлани қўлдан бер-ма!» дейишмаган! Яна улар: «Қарс икки қўлдан чи-қади» — дейишган! Бу ишда ҳамкорлик қилишга бирорта тарафдор топиш, биргаллашиб душманни йўқотиш лозим! Мен пашшаларнинг олдида бори-шим, улар билан маслаҳат қилишим керак. Ҳар бир иш маслаҳат билан амалга оширилса, катта ёки ки-чикдан муносиб фикр чиқиши мумкин! Шунинг учун: «Кичкина игна қилган иш катта найза қўлидан кел-майди!» деб айтилади! Яна: «Пашша филнинг душ-мани» деган мақол ҳам бор!

У шундай деб, пашша ва чивиллар маконига бор-ди ва уларнинг бошлиғига деди:

— Эй азиз дўст, сенга ҳоҳатим тушиб келдим! Донулар: «Бошга иш тушса етгай биродардан ма-дад» — дейди. Шу кунгача орамизда душманлик бўлиб, биз сизнинг лашкарингизни қирардик. Энди сулҳ тузайлик.

Пашшалар сардори:

— Эй, биродар, гапир, нима ҳоҳатинг бор? Биз қўлимиздан келса, ёрдамимизни аямаймиз, — деди.

Чумчуқ унга деди:

— Эй, азиз биродар, дўст габли кунда билинади дейдилар! — деди-да, ўзи билан фил орасидаги воқеани айтиб берди ва охирида деди: — Шу кун-гача менинг бир неча болам ҳалок бўлди. Сендан илтимосим шуки, сен ўз лашкаринг билан филнинг кўзига ва қулоғига кирасан, ўткир нишингни ура-сан!

Пашшалар сардори филнинг таклифини қабул қилди. Эртасига кун бўйи филнинг кўзи ва қулоғига кириб ниш урдилар. Бундан фил кўп озор тоғди. Шунда чумчуқ пашшалар сардорининг олдида бо-риб:

— Энди орамизда сулҳ тузилди, ҳеч қандай низо бўлмади, биз сизларга зарар етказмаймиз! — деди.

Пашшалар сардори:

— Яна биздан нима тилайсиз? — деди.

Чумчуқ:

— Орамиздаги иттифоқ мустаҳкам бўлиб, нифоқ бутунлай қўтарилиши учун ишни охирига етказмоқ керак. Бунинг учун тўпланиб бориб, яра бўлган фил кўзига ўз тухумларингизни қўясиз! У ерда қурт пай-до бўлиб филнинг кўзи кўр бўлади!

Пашшалар сардори чумчуқнинг таклифини қабул қилди. Натижада фил кўзи кўр бўлиб қолди.

Чумчуқ яна ўзига деди: «Хийла билан ўқ олишга муваффақ бўлдим. Аммо, ишни охирига етказиб, душманни бутунлай ҳалок этмасан кўнглим тинч-майди!» — деди-да, бақаларнинг олдида бориб улар-га воқеани айтиб деди:

— Энди фақат сизларнинг ёрдамингиз зарур!

Бақалар:

— Биз нима қилишимиз керак? — деб сўрашди.

Чумчуқ уларга:

—Сизлар ўз одадингиз бўйича, тонг пайтида дарёнинг энг чуқур жойига бориб, вақиллайсизлар. Кўр бўлиб сувсиз юрган фил овозингиз чиққан то-монга боради. Сув ичишга тушмоқчи бўлади-ю той-иб кетиб йиқилади ва қўкиб ҳалок бўлади! — деди.

Тонгда бақалар чумчуқнинг айтганини қилишди. Сувсаган фил бақалар овозини эшитиб дарё лаби-га борди ва қулаб ҳалок бўлди. «Пашша кўтурса филни йиқитади» деган мақол шундан пайдо бўлди.

Бу масални шунинг учун келтирдимки, ҳар бир киши ўз душманини кичик ёки оғир деб гафлатда қолмаслиги, қанча кичик бўлса, шунча катта деб, доимо хушёр турмоғи лозим. Шунинг учун мақолда: «Кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни» де-ганлар. Яна: «Юзта дўст кам, битта душман кўп!» деган мақол ҳам бор. Кичкинагина учкундан олов пайдо бўлиб, бутун оламни куйдириб юбориши мум-кин!

Бу гапдан хулоса шуки, душманни бечора деб ҳисоблама, пашша ва фил ҳақидаги масалдан иб-рат ол! Шайх Саъдий айтиди:

Пашшалар кўтурса, йўл юзасини,

Фили ҳам қулатиб, тамга солади.

Улар бирлашса агар чумчуқ,

Шеринг терисини шилиб олади!

◆ Эй азиз, кўнглимдан кетган нарсга қайғурма, уни қайтариб бўлмайди. Мол-дунга қувонма, у бир умр сен билан қолмайди! Қайси ишга қўл урсанг унинг оқибатини ўйла, бошинга қийин ишлар туш-са, муносиб тадбир қўллашни ўрган!

◆ Ён-атрофинга қара, ман-ман деган забардаст қилишлар ҳам, кўни келиб ажал шарбатини ичадилар. Сенга ҳам бу коса навбати келиши муқаррар-дир. Шундай экан, азиз умрингни гафлат билан ўтказсанг, бундан ҳам оғирроқ шармандалик ва но-бакорлик йўқ!

◆ Эй биродар, эл орасида: «Хунар, хунардан унар» деган мақол бор. Хунарманд киши ҳеч қачон хор бўлмайди. Оғир кунларда хунар туфайли ўз ризқи-рузини топиб ёйди.

◆ Сен софдил ва ҳалоллик кишини бахту саодат-га етказишини, эл орасида азизу мўтабар қили-шини билгин!

◆ Билгинки, сабрда ҳосият ва манфаат беҳисоб-дир. Сабр шундайки, мусибат ва бало айёмида дод-фарёд қилинмайди, дардини ичга ютилади. Унинг яна бир қўрқиниш шундайки, одамлар орасида бе-чоралиқдан шикоят қилинмайди, тоқат ва чидам йўлини тутди.

Мухаммад ЖАБАЛУДИЙ, Махмуд ХАСАНИЙ таржимаси.

Ҳамкорлик

ДАСТУР ДОИРАСИДА

1998 йил якунида Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институти ва Лондон Университети-нинг Империял Коллежи «НОУ ХАУ» Фондининг таълим бўйича минтакавий ҳамкорликлар дастури (REAP) доирасида «Соғлиқни сақлаш тизимида менежмент» гранти қўлга киритди. Лойиҳа Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институтининг 6-7 курс талабалари, клиник ординаторлари ва шифокорларига соғлиқни сақлаш менежменти бўйича ўқитишга мўлжал-ланган бўлиб, бажарилиш муддати 1999 йил январидан 2000 йил декабригача этиб белги-ланган. Ушбу лойиҳа бўйича 1999 йил охирида Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институ-тининг тўртта ёш мутахассислари Империял Коллежининг Менежмент мактабиде бир ярим ойлик курсларда таълим олиб, ҳозирги кунда Республикамиз соғлиқни сақлаш тизими учун янги бўлган йўналиш — менежмент фани бўйича институт талабалари, ёш мутахассислари ва шифокорларига олган билимларини ўргатмоқдалар, — деди институт ректори профес-сор Х.Каримов.

Империял Коллежининг Ме-нежмент мактаби талабалари — Робин Сингх, (ROBIN SINGH),

Амандип Сингх (AMANDEEP SINGH GREWAL), Дэвид Манзи (DAVID MANZI HUSHES) и Бу

Нгок (VU NGOC NGUYEN) лар-нинг Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институти профессо-ри

Ҳар қандай жамият ўз тараққиёти йўлида ҳамма-вақт яхши урф-одат, анъаналарни шаклланти-риб, авлоддан-авлодга бериб келган. Ўзбек халқи анъаналарга бўлган меҳмон-навоз, бағри кенг, кўнгли очик халқ.

Ўзбек халқида ўзи омай-ич-май бориши меҳмонга қийин, унинг кўнглини олиш, хурсанд қилиш одати бор. Бу одат биз-нинг халқимизнинг бошқа халқлар-дан ажратиб турадиган одатлар-дан бири. Халқимизнинг бу ода-ти унинг тўй-ҳашамларида ҳам ўз аксини топади. Халқимизда обрў учун кураш, «тўй ҳар кун бўладиган тўй» ёки «Фанон ёшга инсон бир мартаба киради» де-ган фикр билан тўй-ҳашамлар, маъракалар, оилавий маросим-лар дабдаба билан ўтказиладиган даражага етди. Кейинги йил-ларда ўтказиладиган тўйларимиз, маъракалар, оилавий маросим-ларда ўзгача туш кира бошлади. Улар халқ анъаналаридан чиқиб кета бошлади. Айниқса ЗАГС-дан ўтши маросимини нишон-лаш, киз рози бўлиш қимматбаҳо совға бериш, қуёв чакиритида

қўллаб қимматбаҳо плаш, паль-то, туналар кийдириш, хатто ай-рим ҳолларда қуёв тўрага янги энгил машинанинг қилитини со-вға қилиш, чарларда, ҳаёт ма-росимларида қўллаб «тоғоралар» қилиш. Ҳайит кунларида келин-чак ҳар дақиқда либос алмаш-

тириб товланиши халқ удумида қадимда бўлмаган одатлар кат-тига киради. Кўп ҳолларда одамлар сохта обрў учун кура-шиб миллиятнинг, уларнинг об-руларини орға ураётганларини, уларнинг қийин аҳволга солиб қўйётганларини билимайдилар. Дунёнинг қўллаб турмуш тар-зи юқори бўлган мамлакатлари-да аксинча, тўкин-сонинга йўл қўйилмаслиги, тўй-ҳашамлар, маъракалар, оилавий маросим-лар тежамакатлар билан камта-рона ўтказилишини биламиз. Бундай мамлакатлар қаторига Миср, Саудия Арабистони, Эрон мисол бўлади. Хўш, нима учун бизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, Тош-кент шаҳар ҳокимининг қарори қабул қилинишига қарамай, жа-

моатчилик эътибори шу маса-лага жиддий қаратилишига қара-май ҳамон дабдабали, қўп ха-ражатли тўй-ҳашамлар, маъра-калар, оилавий тағинларда ўт-казилиб келинмоқда? Ўз-ўзидан савол туғилади: бунинг сабаби нима? Қандай қилиб тўй-ҳашам-

ларни, оилавий маросимларнинг халқ анъаналарига мос ва хос қилиб ўтказишга эришишга? Аввало ҳар бир оила тўй-ҳашамлари ва бошқа маросим-ларни ўз имкониятидан келиб чиқиб амалга оширади. Бу жа-хатдан халқимиз «Кўрсатига қараб оёқ уатиш керак» лигини ахши билади. Жамоатчилик ҳамма вақт емай-ичмай, ўзини нормал ҳаёт кеңиридан қисиб, йиғиб-териб ёки қарага ботиб ортинча харажатлар қилишга қарши бўлган. Ундан кейин қуёв-келлига тўй баҳона би йўла бир неча ўн-ўн бештадан ортиқ кий-мач қилиш керакми? Ахир матолар аскириб қолмиш, ҳолд узариши мумкин. Яна кўпчи-лик ба

Мен кимман? Қандай одамман?

АТРОФДАГИЛАР ҒАШИГА ТЕГМАЙСИЗМИ?

Эртами-кечми ҳар биримиз кимдир биров ҳақида: «Шу одам менинг ғашимга тегади-да» деймиз. Лекин шундай одамлар ҳам борки, улар аксинча иложига борица юмшоқлик билан иш туттишга интилади. «Пичокини аввал ўзингга ур — оғримаса — бировга ур!» деганларидек, бировларни танқид қилишдан олдин ўзимизга назар ташлаб, бошқаларни ғажинтирадиган хусусиятларимиз бор-йўқлигини билиб олсак яхши бўларди. Айниқса, ўсимирлик, ёшлик йиллари бошқаларга ҳалал берадиган одатларни йўқотиб, ёқимтой одам бўлиш учун энг қулай давр дейиш мумкин.

Бунда сизга қўйиладиган тест саволлари ёрдам беради. Фақат шу жавобларингиз ҳалол ва ҳолис бўлишига ваъда берсангиз бас. Балки, жавобларингизни ўзингиз ҳурмат қиладиган киши билан маслаҳатлашиб, муҳокама қилиб кўрасиз. Ахир ўзингизни ўзингиз ташқаридан қарагандай кўролмайсиз. Ҳа ёки йўқ дег жавоб беринг.

1. Гапирётганингизда ўрни бўлса-бўлмаса нутқингизга қўшиб айтадиган доимий иборатингиз борми?
2. Дастурхон устидан хулқ-атворингиз сизни ташвишлантирмайдими?
3. Узаро музоҳаба юриётганингизда дамба-дам суҳбатдошингизни туртиб гаплашиш одатингиз йўқми?
4. Одамларнинг кўнглини олиш ёки хайратга солиш мақсадида ҳаёсиз воқеаларни гапириб берасизми?
5. Хайрлашишга доимо кечикиб қолишингиз ёки уни орқича қўшиб иборатингизга хотиржам қарайсизми?
6. Ҳўнгангиздаги тангаларни жаранглатиб юриш одатингиз йўқми?
7. Утиргангизда ёки турганингизда оёқларингизни қимирлатмаслик сиз учун қийинми?
8. Қўларингиз ҳадеб юзингиз атрофида ғимирлайвермайдими (сочларингизни силайвериб, иягингизни чимчилаш, бошингизни қашиб одатингиз йўқми)?
9. Кўпчилик билан бирон жойга (ишга, лекцияга, кечки зиёфатга) бораётганингизда ёнингиздаги ҳамроҳингиз билан одатда пичирлаб гаплашиб кетасизми?
10. Кийимингиз, галстугингизни у ер-бу ерини тузатавериб, ҳадеб камарингизни тортиб қўйиб, қўйлак ёки шимингизни силаб қўйиб одатингиз йўқми?
11. Соатлар телефон гўшагига ёпишиб олмайсизми?
12. Кийимларингиз ва бошқа буюмларингизни хонанинг дуч келган ерига сочиб ташлайсизми?
13. Бахшлашиб ёки тескарисини гапиришни яхши кўрасизми?
14. Овозингиз одатдагидан анча баланд (ёки паст) эмасми?
15. Сизни хафа қилиш осонми?
16. Биров билан суҳбат чоғида асосан ўзингиз ва ўз ишларингиз ҳақида гапирасизми?
17. Сиз тирногингизни кемирасизми?
18. Суҳбатдошингиз кўзига қарашга қўйналасизми? Балларингизни сананг.
19. Хар бир «йўқ» деган жавоб учун икки балл олсиз. Ҳамма саволлар уч гуруҳга бўлинади.
- 1-6: Емон одатларингизни ўзингизни назорат қилиб борсангиз албатта йўқотишингиз мумкин.
- 7-12: Бу — сизнинг асабийлигингиздан, толиққанингиздан ёки тортиққанингиздан далолат бўлиши мумкин.
- 13-18: Сизнинг қилқўлингизни назорат қилиш қийин. Зеро, улар сизнинг феъл-атворингизнинг ажралмас қисмига айланган.
- 19-28: Ҳаммаиш ҳам «хон суғ эмган бандлар» бўлиб, тўла мукаммалликка эришиб бўлмаслигини назарда тутасан — бу ўртача кўрсаткич. Лекин камолот йўлидан борар эканмиз — ҳаётимиз. Бинобарин, бошқаларнинг ғашини келтирадиган одатларини ташлаш мумкин.
- 10-18: Афтидан сиз севарда одам экансиз. Мингизда сизни ҳаловатдан маҳрум этадиган ҳаёллар кўп экан. Бироз ўзингизни эркин қўйиб, ўзингиз ҳавас қиладиган кишилардан ўзак олганингизга маълум эмасми?
- 0-8: Сиз ҳафли зонадасиз. Эҳтимол, сиз одамларнинг ғашига тегарсиз, одамлар эса — сизнинг ғашингизни келтиришар. Натижада боши ҳам, охири ҳам йўқ нобод доира ҳосил бўлади. Сиз энг яқин кишингиз, оила аъзоларингиздан биронтаси билан ёки шифокор билан ҳиддий гаплашиб олишингиз керак...

Мутахассис маслаҳати

рқалиб, соғ одамга юкди. Бемор тошма тошдан сўнг беш кунгача атрофдагилар учун хавфли ҳисобланади. Бу касаллик кўп йиллардан буюн асосан ёш болаларда учраб, ҳозирги кунда катталар, айниқса, талабалар ўртасида ҳам учрамоқда. Касаллик йўли давомиди, айниқса, кўз ва қиш ойларида қўйиши мумкин. Касаллиқнинг яширин даври 9-10 кундан 14-17 кунгача бўлиши мумкин. Касаллиқнинг унчинчи кундан бошлаб танасига тошма тошди. Касаллик лохаслик, ҳароратнинг кўтарилиши, йўтал билан бошланади. Танга тошма тошиди даврида ҳам ҳарорат кўтарилиб, тошмалар тиник туғунчасимон бўлиб, аввал қўлок орқаси, юз ва бўйинда, касаллиқнинг иккинчи кун баданга ва унчинчи кун қўл ва оёқларга тошди.

Касаллиқнинг биринчи аломати бошлангичи билан шифокорга мурожаат этиш лозим. Чунки қизамик касаллиқнинг асоратлари жуда хавфли. Касаллиқнинг олдини олишнинг бирдан бир манбаи қизамикка қарши эмлашдир. Эмлаш боланинг 9 ва 16 ойларига ўтказилади. Эмланган болаларнинг 99 фоизда касаллик учрамайди, учраса ҳам енгил ўтади.

Шоҳида ҲАКИМОВА, Рихси ВОХИТОВА.

Муҳаббат ая азалдан райхон исини, ранг-баранг атиргулларнинг ҳушбўй, муаттар хидини ҳуш кўради.

Мана, бугун ҳам эрталаб ўрнидан туриб ҳовлига чиқиб қараса, қуёш нуридан ял-ял товланиб очилиб турган турфа гулларнинг япроқларига шабнам кўнибди. У оқлик ва поклик рамзи бўлмиш шабнамни кўриб севинчини ичига сиғдира олмади. Гул япроқларига оҳиста энгшиб, улардан теварак-атрофга таралиб турган ёқимли хидни тўйиб-тўйиб сипқорди. Сўнг ўзини қушдек енгил ҳис қилган ҳолда юз-қўлини ювиш учун йўл олди. Қўлида сочиқ ва обдастада сув ушлаб турган тўнгич келини Саломатхон қайнонасига юзланиб деди:

— Мана, ойижон, илиқ сув тайёрлаб қўйгандим. Келинг, ювиниб олинг.

— Умрингиздан барака топинг, Саломатхон, — деди юзида нур қалқиб Муҳаббат ая. — Невараларимнинг, ўғлим Валижоннинг бахтига доимо омон бўлинг. Биз кексаларнинг дуосини олаёйсизми, кам бўлмайсиз. Ҳа, айтгандек невараларим ҳам туришдими? Эрта турганининг кун бўйи иши ҳам унумли, баракали бўлади. Ундан кейин оила аъзолари доимо эрта тонгда кун чиқмасдан турадиган хонадонга ҳам қўт-барака, файз киради.

— Невараларингиз аллақачон уйқудан туришган, ойижон, — деди мамнун жимайиб Саломатхон. — Ана, Нилуфар ошхонада нонушта тайёрлапти. Малоҳат дарвоза олдини сув сеппиб супурапти. Абзал билан Нодира мактабга отланишпти.

Барча оила аъзолари дастурхон атрофида жам бўлишиб нонушта қилишган, Муҳаббат ая хонадонга қўт-барака, тинчлик-тотувлик тилаб фотиҳага қўл очди ҳамда фарзандлари, келинлари ва набираларининг бири ишга, бири ўқишга эсон-омон бориб келишларини тилади.

Бир пасда ҳовли ҳувилаб, орага сукунат чўкди. Муҳаббат ая эса яқинда турмушга узатилиши мўлжалланаётган сеvimли набираси Малоҳатхонга атаб кеча қавий бошлаган кўрпасини қавишда давом эттириш учун кўзойнагини тақди ва қўлига игна билан ангишвонани олиб, ўзича нималарнидир хиргойи қилиб кўрпани қавишга киришди. Шу топда ёшнинг ажойиб инсон, қўли гул Абдуваҳоб уста билан 40 йилдан ортқ вақт мобайнида бир ётиққа бош қўйиб, умргузаронлик қилгани бирма-бир кўзи олдилан ўта бошладилар...

... Ёш ва нозиккина Муҳаббат 1951 йилда пойтахтимиздаги 39-мактабни битириб, ҳужжатларини Тошкент савдо техникумига топширади. техникумдаги ўқиниш тугатгач, технолог мутахассислигига эга бўлгани ҳолда

қарийб 5 йил ишлади. Шу орада Абдуваҳобжон деган уста йигитга турмушга чиқди. Сўнг бирин-кетин фарзандлар дунёга келгач, уйига яқин жойлашган кўн-мўйна заводига ишга кирди. Унинг заводдаги филокорона меҳнати зое кетмади. Муҳаббатнинг ҳалол ва виждонан ишлари Фахрий ёрликлар билан муносиб тақдирланди. У ҳақда «ойнаи жаҳон» да телеочерк намойиш этилди, газеталарда лавҳа ва мақолалар эълон қилинди. Завод дирекцияси ва касаба уюшма кўмитаси кўп болали она (Муҳаббат аянинг тўрт ўғил, тўрт қизи бор) ва илғор ишчи сифатида Муҳаббат аяга беш хонали уй берди. Жами 32 йиллик иш стажига эга бўлган ҳолда 1983 йилда пенсияга чиқди.

Пиру бадавлатларимиз

МУҲАББАТ АЯНИНГ БАХТИ

истиқомат қилувчи, пиру бадавлат онахонларимиздан бўлмиш Муҳаббат ая Тоирова 28 невра ва 6 эваранинг меҳрибон буюжониси.

— Яратганга минг бор шукроналар бўлсинки, эндиликда эмин-эркин яшаб, мустақиллик нашидасидан баҳраманда бўляпмиз, — дейди чекрасидан нур ёғилиб Муҳаббат ая. — Раҳматли эрим Абдуваҳоб ака билан ҳаётда кўп қийинчиликларни бошимиздан кечирдик. Мана шу ўзингиз кўриб турган иморатларни ҳам ўз кучимиз билан қурганимиз. Бугунги кунда мана шу ҳовлида икки ўғлим ва икки келиним билан бирга яшаймиз. Ўн бир жон битта қозондан овқатланамиз. Ўзимиз ўқимаган бўлсак ҳам фарзандларимиз билимли, доно, зукко ва элимизга фойдаси тегадиган инсонлар бўлиб етишсин дедик. Уларга берган ўғитларимиз, панду насихатларимиз зое кетмади. Жумладан, тўнгич фарзандим Василан — филолог, Валижон билан Воҳиджон тадбиркор, Гулнорахон — муҳандис-иқтисодчи, Солиҳжон — чилангар, Лобархон — акушер-гинеколог, Собитжон — заргар, Гулҷаҳраҳон — уй бекаси. Қизларимни ҳам, ўғилларимни ҳам қариндош-уруларга эмас, аксинча бегона хонадон фарзандларига узатганимиз, қиз олганмиз. Зеро, Улардан соғлом авлод дунёга келишини кўзлаб шундай қилганимиз. «Соғлом танда — соғлом ақл» деган иборанинг тағида ҳам ҳикмат кўп. Бинобарин, менинг давлатим ва бойлигим ҳам ана шу фарзандларим, невараларим ва эвараларим. Зеро, бу неъматни ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб бўлмайди. Шундай экан, биз ҳам сиз билан келажакимиз бўлиши ёш авлодни кўз қорачиғимиздек асраб-авайлайлик.

Исмоил ЗОИРОВ.

Ажойиботлар ГАПИРУВЧИ ГОРИЛЛА

Стамфорд университетининг ўқитувчиси Пенан Паттерсон ўн йил давомида икита горилла билан машғул ўтказиб келмоқда. Како лақабли ургочи маймун яхши натижаларга эришпти. У дери мингга яқин сўзни «ту» шнади» ва уларни кар-соқовларга ўхшаб тушунтира олади. Мишель лақабли эркак маймуннинг эса «сўз байлиги» анча камроқ. Шуни айтиш керакки, иккала горилла ҳам машғулот давомида сурат қизиги қизикиб қолган. Улар ҳатто ўнча катта бўлмаган суратлардан нусха ҳам қўйиб оладилар.

ҚАДИМЙ ТОПИЛМА

Бундан миллион йил илгари яшаган гигант ҳайвон-динозавр излари Бразилиянинг Параиба штатида топилди. Бу ҳайвоннинг излари қотиб кетган ботқоқликни қазиб натижасида аниқланди. Олимларнинг эътирофи эътишларича, из қолдирган динозаврнинг узунлиги 10 метр бўлиб, панжаларининг изларидан ва бошқа органларининг қолдиқларидан унинг оғирлигини бемалол аниқлаш мумкин. Бразилиянинг «Вежа» журнали динозаврнинг Африкадан Шимолий Шарққа томон келганини аниқлади. Маълум бўлишича, юз миллион йил илгари Африка ва Жанубий Америка бир қитъа бўлган экан.

НОЁБ НУСХА

Флорида штатининг илонхоналаридан бирида узунлиги бир метрга яқин икки боши сув илони бир неча йилдан бери сақланиб келинади. Яқинда бу илон ўша тўлди. Кўп сонли туристлар эътиборини қозонган ва илон захарини йиғиб билан шуғулланадиган бу илонхона икки бошли ноёб нусха илони бир мактаб ўқувчиси 50 долларга сотиб олган эди. Ўша вақтда бу илонча ҳаммаси бўлиб 15 сантиметр узунлиқда эди.

У бир кунда олти марта овқатланади. Ўз еминини излаётганда икки боши барабар ҳаракат қилади. Бироқ кузатувчилар баъзи бир вақтларда унинг чап боши кўпроқ фаол ҳаракат қилишини аниқладилар.



ТУЗЛИ ЭРИТМА КАСАЛЛИК ДАВОСИ

Серкүёш ўлкамизда ноз-неъматлар, сазавот ва мевалар мўл-кўл етиштирилади. Маълумки, иссиқ ҳаво озиқ-овқат маҳсулотлари сифатида тез таъсир қилади. Тайёр овқатга касаллик пайдо қилувчи микроблар, яъни оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган жуда майда жониворлар тушиб қўяя бошлайди. Агар озиқ-овқат маҳсулотлари сазавот ва мева-лар санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинмай, юмсалардан, нотўғри сақланиб истеъмол қилинса, оғир касалликларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Бундай касалликлар ўткир бошланиб, ҳароратнинг юқори кўтарилиши, кўнгил айнаиши, қайт қилиш, оғринг бузилиши ва қоринда қаттиқ оғриқ пайдо бўлиши кўтилади. Инсоният тарихида юқумли касалликларга қарши курашиш ҳамisha энг муҳим вазифалардан саналган. Ҳозирги замон тиббиётининг таракқи этиши ва илм-фаннинг ривожланиши касаллиқни тузли сув эритмаси билан даволаш методини татбиқ этди. Шифохоналаримизда ка-

Ҳайвонот олами

КУВУРДАГИ ЛАЙЛАК ИНИ

Болгариянинг Бела-Черка шаҳридаги нон заводи зудлик билан қайта таъмирланганидан бунди. Кувурчилар энг шимариб ишга киришиб кетишди. Завод кувури ҳам таъмир қилиниши зарурлиги ҳақида гап кетганда корхона маъмурияти лаб тишлаб қолди. Чўқи кувур ичи аллақачон лайлақлар маконига айланган эди. Ҳўш, узок

йиллар давомида завод ишчиларининг энг яқин «дўстлари» га айланиб қолган лайлақ уясини энди қарога кўчириш керак? Кувурчилар бу муаммонини ҳал этишди. Улар кувур ичиди уяни безарар олиб, уни таъмир ишларидан ҳоли жойдаги нон ёпиш цехининг томи орасига маҳкамлаб қўйишди. Ота ва она лайлақлар бегона жойга қўйишни ўнча ёқтирмагандек «ётоқлари»га гоҳ келиб, гоҳ келмай қўйдилар. Кеч

кузда эса қанот чиқарган болаларини олиб қайқадир учиб кетишди. Энди шаҳарликлар оғзида лайлақлар баҳорда яна қайтиб келишармикан? Агар келишса, янги ишда яшармикан ёки эски жойига қайта ин қуришармикан, деган дув-дуя гап юрибди.

ПОЛИЦИЯГА ИЛОН
ЕРДАМ БЕРДИ
Хиндистонда чиқадиган

ҚИЗАМИК


Қизамик касаллиги ҳаво томчи йўли орқали юқадиган юқумли касаллик бўлиб, асосан тана ҳароратининг кўтарилиши, юқори нафас йўлининг касалланиши ҳамда баданга тошма тошиди билан характерланади. Қизамик касаллигини вирус чакиради, у ташқи муҳитга жуда сезгир бўлиб, ҳавода музлаб учиб юради. Касаллик манбаи қизамик билан оғирган бемор бўлиб, ундан йўталганда, аксирганда вируслар ҳавога та-

«Сан» журнали Гвалиор шаҳридан олти километрда жойлашган Салон қишлоғидаги қасрга ўғирлиққа тушганларни ушлаб олишда полицияга илон қандай ёрдам бергани ҳақида хабар босиб чиқарди.

Бир гуруҳ қароқчилар тунда қишлоқ қасрга кириб, қочқини устунга бойлаб қўйиб, қай-қалларнинг қимматбаҳо тошларини шилишга тушди. Шу пайт қардоридир илон судра-

либ келиб, шайқа бошланишига оғбига чирмашади. Шайқа бошланиши ҳарчанд ўринмасин илон исқанджасидан қутулмади, унинг шериклари эса тумтаракай қочиб, узокдан қочқини ханг-манг бўлиб қўзатиб турмади.

Қасрдаги гала-говурни эшитган деҳқонлар, маҳаллий полициячилар билан етиб келишди. Полициячини қуриб илон қароқчининг обнини бўшатиб, аста судралди кетди.



Қўғирчоқлар оламида.

Анжуманлар

ЎТ БАЛОСИДАН АСРАСИН

Халқимизда «Ўт балосидан ўзи асрасин» деган ҳикматли ибора бор. Лекин, пойтахтимизда жорий йилнинг беш ойи давомида содир бўлган ёнгинлар, афсуски яратганининг изми билан эмас, айрим беғам фуқароларнинг бепарволиги ҳамда лоқайдлиги сабаб юз бермоқда.

Кеча Тошкент шаҳар ИИББ ёнгиндан сақлаш бошқармасида шахримиз фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари, ёнгиндан сақлаш, газ ва электр тармоқлари бошқармалари ходимлари иштирокида ўтқа-зилган тадбир аянан шаҳримизда юз бераётган ёнгинлар ва уларнинг олдини олиш масалаларига бағишланди. Ўшбу йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Аҳмад Миржалилов бошқарди. Ва ҳар бир фуқарони, хусусан маҳалла оқсоқолларини ҳушёрликка кантириб, ёнгинга қарши курашда фаол бўлишга даъват этди.

Чунки, — деди нотиқ ўз сўзини давом эттириб, — бахтсиз ҳодиса ҳисобланмиш ёнгиндан нафақат моддий-маънавий зарар кўрамиз, балки бевақт инсон ҳалок бўлиши ёки тан жароҳати олиб мийиб-мажруҳ ҳолга келиши мумкин. Шу тўғрйли электр-дан, газдан фойдаланишда ниҳоятда ҳушёр бўлиш, болаларни уйда қаровсиз қолдирмаслик лозим.

Тошкент шаҳар ИИББ Ёнгиндан сақлаш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Тугрун Саматов йиғилганларга беш ой давомида содир бўлган ёнгинлар оқибатлари ҳақида сўзлаб берди. Нотиқнинг айтишича, ўтган йилга нисбатан бу йилнинг 5 ойи мобайнида содир бўлган ёнгинлар 2,3 фоизга камайган бўлсада, бироқ ёнгиндан ҳалок бўлганлар сони 37,5 фоизга, оловдан тан жароҳати олиб қўйилган сони эса 29,4 фоизга кўнйган. Шунини афсус билан қайд этиш лозимки шу кунгача Мирзо Улуғбек туманида 115, Юнусов туманида 98, Чилонзорда 85, Ҳамза туманида 78

марта ёнгинлар содир бўлган. Ўшбу ёнгинларнинг қўпчилиги аҳоли зич жойлашган турар жой биноларида содир бўлиб, ўт учириб бўлиналарига кеч хабар берилолмади. Натижада қўпгина уй-жойлар, мол-мулклар бир замида қўйиб қўлга айланмоқда. Ёнғ аянчлиси йилнинг беш ойи мобайнида ўшбу бахтсиз ҳодиса оқибатида 22 нафар ҳамшаҳарларимиз бевақт ҳалок бўлишди. Бундан ташқари оловдан фойдаланишдаги эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган 355 та ёнгиндан 1,317878 сўм, спиртли инимлик инган ҳолда сигарета чекиш тўғрйли юз берган 194 та бахтсиз ҳодисадан 750.901 сўм, носоз электр ва газ ускуналаридан ёнгиндан нафақат моддий-маънавий зарар кўрамиз, балки бевақт инсон ҳалок бўлиши ёки тан жароҳати олиб мийиб-мажруҳ ҳолга келиши мумкин. Шу тўғрйли электр-дан, газдан фойдаланишда ниҳоятда ҳушёр бўлиш, болаларни уйда қаровсиз қолдирмаслик лозим.

Тошкент шаҳар ИИББ Ёнгиндан сақлаш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Тугрун Саматов йиғилганларга беш ой давомида содир бўлган ёнгинлар оқибатлари ҳақида сўзлаб берди. Нотиқнинг айтишича, ўтган йилга нисбатан бу йилнинг 5 ойи мобайнида содир бўлган ёнгинлар 2,3 фоизга камайган бўлсада, бироқ ёнгиндан ҳалок бўлганлар сони 37,5 фоизга, оловдан тан жароҳати олиб қўйилган сони эса 29,4 фоизга кўнйган. Шунини афсус билан қайд этиш лозимки шу кунгача Мирзо Улуғбек туманида 115, Юнусов туманида 98, Чилонзорда 85, Ҳамза туманида 78

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек тавсияларни, тавалуд қунари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қўтовларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09. МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТ-ҚИЛАТ КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

Тошкент шаҳридаги 29-ўрта мактаб томонидан 1989 йили Садиева Нигора Турсуналиевна номига берилган Д № 783844 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Шайхонтоҳур туманидаги Шарофат Каримова номли 92-мактаб томонидан 1979 йили М. Маликов номига берилган № 905973 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:

133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума
кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари
бўйича турар жойлардаги почта
бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га
— 133-74-05 телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтти тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
концерни босмахонаси.
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.